



16.05.2018



Адлия вазирлиги Блогерлар чемпионати доирасида «Ҳуқуқий мавзунг энг яхши ёритган блогер» номинациясини жорий қилди.

Номинацияда исталган ёш ва касбдаги шахслар қатнашиши мумкин. Мазкур номинация ғолиби вазирликнинг эсдалик совғаси билан тақдирланади. Ғолиблар вазирликнинг Ҳуқуқий ахборот ва маърифат бошқармаси томонидан аниқланади.

Номинация ғолибини аниқлашда иштирокчиларнинг мустақил фикрига, ҳуқуқ соҳасидаги муаммоларни аниқ мисоллар билан очиб бериш ва уларнинг ечимларини таклиф этишига, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги бўшлиқлар, қарама-қаршилиқлар, қонунчиликдаги ечимини кутаётган масалалар, бу борада ривожланган давлатларнинг блогерлар ўзлари гувоҳи бўлган, синовдан ўтган тажрибаларини жорий қилиш, бир сўз билан айтганда, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш бўйича илгари сурилган таклифларга алоҳида аҳамият берилади.

Эслатиб ўтамиз, Блогерлар чемпионати уч босқичда бўлиб ўтади. Ғолиб ва совриндорлар 14 июнь — Халқаро блогерлар кунида тантанали равишда тақдирланади.

Олдинда ҳали вақт бор. Чемпионатда қатнашишга улгурмаган, лекин истаги бўлган барча-барча юртдошларимиз ўз ижодий ишларини йўллаб, ғолибликка ҳаракат қилишлари мумкин. Ўз иқтидорингиз ва омадингизни синаб кўришдан тортинманг! Блогерлар мусобақасига қўшилинг!

<https://t.me/xabaruzofficial/7555> [1]

## Сўнгги янгиликлар:

- [Фарғона вилоятида Эркин Воҳидов номидаги мактаб-интернати ташкил этилади](#) [4]
- [Адлия вазирлиги расмий веб-сайти \(www.minjust.uz\)да “онлайн-маслаҳатчи” хизмати ишга туширилади](#) [May 16, 2018](#) [5]
- [Адлия вазирлигида халқаро оила куни муносабати билан вазир ўринбосари онлайн тарзда саволларга жавоб бермоқда](#) [6]
- [Адлия вазирлиги ҳузурида ташкил этилган Жамоатчилик кенгаши иш бошлади](#) [7]
- [Ҳалол туризм нима?](#) [8]
- [Тошкентда Осиё чемпионати ўтказилади](#) [9]
- [Адлия тадбирлари мамлакатимиз бўйлаб кенг қулоч ёймоқда](#) [10]
- [Адлия органлари тарихи музейи очилди](#) [11]
- [“Таҳририятингиз қизимнинг соғайишига сабабчи бўлди”](#) [12]
- [Адлия вазирлиги томонидан #xotirakuniadliya хештеги билан флешмобга старт берилди](#) [13]

---

**Source URL:** <http://insonvaqonun.uz/?q=runklar/3610>

### Ссылки

- [1] <https://t.me/xabaruzofficial/7555>
- [2] <http://insonvaqonun.uz/print/3610>
- [3] <http://insonvaqonun.uz/printpdf/3610>
- [4] <http://insonvaqonun.uz/node/3614>
- [5] <http://insonvaqonun.uz/node/3612>
- [6] <http://insonvaqonun.uz/node/3608>
- [7] <http://insonvaqonun.uz/node/3603>
- [8] <http://insonvaqonun.uz/node/3598>
- [9] <http://insonvaqonun.uz/node/3593>
- [10] <http://insonvaqonun.uz/node/3590>
- [11] <http://insonvaqonun.uz/node/3589>
- [12] <http://insonvaqonun.uz/node/3582>
- [13] <http://insonvaqonun.uz/node/3566>